

XVIII. ТУРИСТИК ОЎИМ

2019 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сони 1646,8 минг кишини* ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 мартага кўп.

1646,8
МИНГ КИШИ

- Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари

2864,2
МИНГ КИШИ

- Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари

МДХ давлатларидан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари 1548,6 минг кишини ташкил этган бўлиб, бу жами ташриф буюрганларнинг 94,0 % ташкил этади, узоқ хорижий давлатлардан эса 98,2 минг киши (ёки 6,0 %) ташриф буюрган.

2019 йил январь-март ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони 2342,3 минг кишини ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққосланганда 0,9 мартага кам.



МДХ давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2726,8 минг кишини ташкил этган бўлиб, бу жами ташриф буюрганларнинг 95,2 % ташкил этади, узоқ хорижий давлатларга эса 37,5 минг киши (ёки 4,8 %) ташриф буюрган.

** Республикага келган ва кетганларнинг умумий сонидан бир киши бир неча марта ҳисобланиши мумкин ва бу алоҳида ҳолат сифатида ҳисобга олинмади*



Сўнгги йилларда мамлакат миллий иқтисодиётининг стратегик тармоқларидан бири сифатида туризмни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни изчил амалга оширилмоқда, бу эса унинг тез ривожланиши, янги иш ўринларини яратиш, даромадларни ошириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш, шунингдек, инвестицион жозибadorлигини оширишга қаратилган.

2019 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган ва кетган шахслар сони


2018 йил январь-март ойларига нисбатан чет эл фуқаролари сони

↑ **48,1%**

1,4%



2018 йил январь-март ойларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони



2018 йил натижаларига кўра, 17 давлат учун визасиз кириш режими очилди, 51 мамлакат учун виза режими соддалаштирилди, 10 мингдан зиёд визалар берилди, лицензиялаш 10 кунга қисқартилди.

Республиканинг сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш ва янада кўпроқ меҳмонларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2019 йилдан бошлаб бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди:



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
05.01.2019 йилдаги ПФ-5611-сон
[«Ўзбекистон Республикасида
туризмни жадал ривожлантиришга
оид қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида»](#)ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
05.01.2019 йилдаги ПҚ-4095-сон
[«Туризм тармоғини жадал
ривожлантиришга оид чора-
тадбирлар тўғрисида»](#)ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
08.03.2019 йилдаги 198-сон
[«Қашқадарё вилоятининг туризм
салоҳиятидан самарали
фойдаланиш чора-тадбирлари
тўғрисида»](#)ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг
13.02.2019 йилдаги 119-сон
[«2019-2020 йилларда Хоразм
вилоятида туризм соҳасини
ривожлантириш бўйича қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида»](#) ги
Қарори.


Ўзбекистон Республикаси
Туризмни ривожлантириш давлат
қўмитасининг 26.03.2019 йилдаги
3146-сон.
[«Туристтик йўлланма \(ваучер\)нинг
намунавий шаклини тасдиқлаш
тўғрисида»](#) ги Қарори.

2019 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони динамикаси

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сонининг таҳлилидан кўринадики, 2019 йил январь-март ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 535,2 минг нафар кўп чет эл фуқаролари ташриф буюрган (ташриф буюрганлар сони 1,5 мартага ортган).

Кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони, 2018 йил январь-март ойларида 2904,0 минг кишини ташкил этган бўлса, 2019 йил январь-март ойларида 2864,2 минг нафарни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари динамикаси (минг киши)



Кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари

	январь-март 2019 йил	январь-март 2018 йил
МДХга	2726.8	2779.4
Узоқ хорижий давлатларга	137.4	124.6

Келган чет эл фуқаролари


	январь-март 2019 йил	январь-март 2018 йил
МДХдан	1548.6	1063.3
Узоқ хорижий давлатлардан	98.2	48.3



2019 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг 55,8 % (919,4 минг киши) эркеклар, 44,2 % (727,4 минг киши) аёлларни ташкил этади.

Шу билан бирга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 60,1 % (1722,5 минг киши) эркеклар, 39,9 % (1141,8 минг киши) аёлларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони жинси бўйича



2019 йил январь-март ойларида МДХ давлатларидан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сони



Ўзбекистон Республикасига келган МДХ фуқароларининг асосий қисми Қозоғистон Республикасидан 554,0 минг киши (33,6 %), Тожикистондан 478,8 минг киши (29,1 %), Қирғизистондан 301,6 минг киши (18,3 %), Россиядан 102,0 минг киши (6,2 %), Туркменистондан 101,5 минг киши (6,2 %), Беларуссиядан 3,9 минг киши (0,2 %) ва Озарбайжондан 3,1 минг киши (0,2 %).



2019 йил январь-март ойларида МДХ давлатларидан Ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари



Қозоғистон

554,0 минг киши 33,6 %



Тожикистон

478,8 минг киши 29,1 %



Қирғизистон

301,6 минг киши 18,3 %



Россия

102,0 минг киши 6,2 %



Туркменистон

101,5 минг киши 6,2 %



Белоруссия

3,9 минг киши 0,2 %



Украина

3,6 минг киши 0,2 %



Озарбайжон



3,1 минг киши 0,2 %



2019 йил январь-март ойларида узоқ хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сони


Узоқ хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг асосий қисми Туркиядан 22,4 минг киши (1,4 %), Хитойдан 11,0 минг киши (0,7 %), Жанубий Корейдан 8,0 минг киши (0,5 %), Ҳиндистондан 5,4 минг киши (0,3 %), Эрондан 2,4 минг киши (0,1 %), Германиядан 2,4 минг киши (0,1 %), Япониядан 2,1 минг киши (0,1 %), Италия, Исроил ва Покистондан мос равишда 1,4, 1,1 ва 1,0 минг киши ташриф буюрган.

2019 йил январь-март ойларида узоқ хорижий давлатлардан Ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари, %



2019 йил январь-март ойларида МДХ давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони

Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий қисми МДХ давлатларидан Қозоғистон Республикасига 44,1 % (1262,9 минг киши), Қирғизистон Республикасига 25,4 % (728,8 минг киши), Россияга 13,1 % (375,7 минг киши), Туркменистонга 0,9 % (24,5 минг киши) ташриф буюрган. Беларуссия ва Озарбайжонга мос равишда 3,6 ва 2,2 минг киши ташриф буюрган.




МДХ мамлакатларига кетган Ўзбекистон
Республикаси фуқаролари (минг киши)



2019 йил январь-март ойларида узок хорижий давлатларга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони

Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий қисми Туркияга (44,1 минг киши), Жанубий Кореяга (21,3 минг киши), БААга (13,4 минг киши), Саудия Арабистонига (10,0 минг киши), Хитой, Ҳиндистон ва АҚШ давлатларига (мос равишда 8,0, 6,9 ва 4,8 минг киши) ташриф буюрган.

Узок хорижий мамлакатларга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (минг киши)




2019 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши


Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг асосий сафар мақсадлари бу қариндошларни йўқлаш (72,2 %). Кейинги ўринларда сайёҳлик мақсадида - 8,6 %, транзит - 8,2 %, даволаниш мақсадида - 1,0 %, доимий яшаш мақсадида - 0,8 %, хизмат юзасидан ва ишлаш мақсадида - 0,8 % дан, ўқиш ва тижорат мақсадида - 0,6 % дан ва бошқа мақсадларда – 6,4 %. Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг - 55,8 % эркеклар, - 44,2 % аёлларни ташкил этади.



Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари




Чет эл фуқароларининг жинси бўйича тақсимланиши



2019 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг жинси бўйича тақсимланиши

2019 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 10,2 минг нафари (39,0 % эркеклар, 61,0 % аёллар) ўқиш мақсадида, 16,7 минг нафари (46,6 % эркеклар, 53,4 % аёллар) даволаниш мақсадида, 13,1 минг нафари (76,6 % эркеклар, 23,4 % аёллар) ишлаш мақсадида, 12,4 минг нафари (84,9 % эркеклар, 15,1 % аёллар) хизмат юзасидан, 142,1 минг нафари (52,8 % эркеклар, 47,2 % аёллар) сайёҳлик мақсадида, 1188,4 минг нафари (49,4 % эркеклар, 50,6 % аёллар) қариндошларни йўқлаш мақсадида келган.

2019 йил январь-март ойларида келган чет эл фуқароларининг жинси ва сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши




Ўқиш	Сайёҳлик	Иш	Даволаниш	Қариндошларни бориб кўриш	Хизмат юзасидан
39 %	52,8 %	76,6 %	46,6 %	49,4 %	84,9 %
61 %	47,2 %	23,4 %	53,4 %	50,6 %	15,1 %

2019 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши

2019 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 54,3 % - 31–55 ёшлилар, 21,6 % - 19 – 30 ёшлилар ва 17,4 % - 55 ёш ва ундан катталар ташкил этади.

Даволаниш мақсадида ташриф буюрган чет эл фуқароларининг 52,7 % - 31–55 ёшлилар, 20,9 % - 19 – 30 ёшлилар, 19,2 % - 55 ёш ва ундан катталар ташкил этади. Қариндошларни йўқлаш мақсадида ташриф буюрганларнинг 52,9 % - 31–55 ёшлилар, 19,7 % - 19–30 ёшлилар, 19,9 % - 55 ёш ва ундан катталар ташкил этади. Сайёҳлик мақсадларида ташриф буюрганларнинг 57,0 % 31–55 ёшлилар, 20,8 % - 19–30 ёшлилар, 16,6 % - 55 ёш ва ундан катталар ташкил этади.


2019 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг тақсимланиши, %



2019 йил январь-март ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши

Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий сафар мақсади қариндошларни бориб кўриш – 54,8 %. Кейинги ўринларда эса ишлаш мақсадида – 31,0 %, сайёҳлик мақсадида – 3,6 %, доимий яшаш – 3,3 %, хизмат юзасидан – 0,9 %, транзит – 0,8 %, ўқиш мақсадида – 0,6 %, даволаниш – 0,3 %, бошқа мақсадларда – 4,7 % ни ташкил этади.

2019 йил январь-март ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони, минг киши



**2019 йил январь-март ойларида чет элга кетган
Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг
жинси бўйича тақсимланиши**

2019 йил январь-март ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 17,4 минг нафари (63,0 % эркаклар, 37,0 % аёллар) ўқиш мақсадида, 8,1 минг нафари (44,5 % эркаклар, 55,5 % аёллар) даволаниш мақсадида, 102,5 минг нафари (53,9 % эркаклар, 46,1 % аёллар) сайёҳлик мақсадида, 24,9 минг нафари (91,9 % эркаклар, 8,1 % аёллар) хизмат юзасидан, 889,2 минг нафари (77,8 % эркаклар, 22,2 % аёллар) ишлаш мақсадида, 1570,5 минг нафари (48,0 % эркаклар, 52,0 % аёллар) қариндошларни йўқлаш мақсадида чет элга кетган.

**2019 йил январь-март ойларида кетган
Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг
жинси ва сафар мақсадлари бўйича**

1

Хизмат юзасидан

эркаклар - 91,9 %
аёллар - 8,1 %



2

Ўқиш

эркаклар - 63,0 %
аёллар - 37,0 %



3

Сайёҳлик

эркаклар - 53,9 %
аёллар - 46,1 %



4

Иш

эркаклар - 77,8 %
аёллар - 22,2 %



5

**Қариндошларни
бориб кўриш**

эркаклар - 48,0 %
аёллар - 52,0 %



6

Даволаниш

эркаклар - 44,5 %
аёллар - 55,5 %



2019 йил январь-март ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши



2019 йил январь-март ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёши бўйича тақсимланишидан кўриш мумкин, уларнинг 53,3 % - 31 – 55 ёшлилар, 31,2 % - 19 – 30 ёшлилар ва 11,3 % 55 ёш ва ундан катталар ташкил этади.

Сайёҳлик мақсадида хорижда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 54,8 % - 31 – 55 ёшлилар, 19,9 % - 19 – 30 ёшлилар, 17,6 % - 56 ёш ва ундан катталар ташкил этади. Ўқиш мақсадида кетганларнинг 85,9 % - 19 – 30 ёшлилар, 6,9 % - 18 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этади. Хизмат мақсадларида ташриф буюрганларнинг 70,3 % 31–55 ёшлилар, 19,0 % 19 – 30 ёшлилар ташкил этади.

2019 йил январь-март ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши, %

